




# ТОШКЕНТ О'QSHOMI



## XXI asrdosi

Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

### Мамлакатимизда

● **Кеча** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ЭКсимбанки президенти Янг Цилинни қабул қилди. Урашувда мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига Тошкентда бутун Муштакил Давлатлар Хамдўстлиги соғлиқни сақлаш тизими учун катта аҳамиятга эга бўлган Республика шोшилич тиббий ёрдам амалий маркази очилганиги муносабати билан Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирини Ю.Л.Шевченко ҳамда Россия Тиббий фанлари академияси президенти В.И.Павловский жанобларидан табрик телеграммаси келди.

● Республикага таъриф буюрган Эрон Ислам Республикаси Президенти Муҳаммад Хотамий Ўзбекистон Бош вазирини Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Фанлар академиясида бўлиб, олимлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хитой Экспорт-импорт банки президенти Янг Цилин раҳбарлигида делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бўлишди. Шу кунги меҳмонлар «Ўзкоммуналхизмат» агентлигида ҳам музокара ўтказдилар.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

● «Uzbekistan Airways Technics» самолёт таъмирлаш корхонаси Германиянинг «Lufthansa Technik» компанияси билан ҳамкорлик қилишга келишиб олди. Бу ҳақдаги ҳужжатга шу йилнинг 6-12 май кунлари Берлин шаҳрида ўтказилган «IA-2002» халқаро ҳаво-космонавт кўргазмаси пайтида имзо чекилади.

● **Кеча** Жиззах вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2002 йил биринчи чораги якунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши таҳлил қилинди.

● **Кеча** Сурхондарё вилоят ҳокимлигида 2002 йилнинг биринчи чорагида вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислохотлар жараёнини баҳолашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг навбатдаги мажлисида республика назорат органлари томонидан 2002 йил биринчи чорагида ўтказилган тегишли мувофиқлаштириш якунлари кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши бўлди.

● **Кеча** Тошкент Давлат юридик институтида «Ўзбекистон Республикаси молия қонунчилигини тақомиллаштириш муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

● Республика «Маънавият ва маърифат» маркази «Қарияларга эҳтиром — олий қадриятимиз» мавзусидаги плакатни нашрдан чиқарди. Плакат «Маънавият» нашрида 10 минг нусхада чоп этилди.

● Таниқли меъмор, академик М.Булатовнинг туғилганига 95 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Бадий академияси санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида у яратган ҳарита, лойиҳа ва тархларидан иборат кўргазма очилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

● Жорий йилнинг 10-19 май кунлари Ўзбекистонда Европа кино кунлари бўлиб ўтди. Унда Франция, Германия, Бельгия, Италия, Чехия, Швейцария, Туркия, Буюк Британия кино санъатининг энг яхши асарлари намойиш этилади.

● Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида ўтказилган нуфузли «Интерагромаш» 5-халқаро кўргазмасида «Тошкент трактор заводи» давлат ҳиссдорлик жамияти «ТТ-80-10» универсал шудгорлаш тракторининг ишончилиги ва шинамлиги учун кумуш медал ҳамда дипломга сазовор бўлди. Шунингдек корхонага кўргазмадаги фаол иштироки ва ўз махсулотини халқаро бозорга олиб чиққани учун диплом топширилди.

● Исроил Мудофаа вазирини Биньямин Бен Элиезер Ёсир Арафотнинг уй қамоғидан озод қилинганлигини тасдиқлади. Унинг айтишича, Исроил қўшинлари яқин кунлар ичда Рамоллоҳдан олиб чиқилди.

● Германия полицияси «Ал-Қоида» террорчиларининг яқин режалари ҳақида маълумот олишга муваффақ бўлган. Унда Германия, Франция ва Буюк Британияда юзлаб кишиларни кинотеатрларда сеанс пайтида ва черковларда гаровга олиш режалаштирилган. Террорчилар гаровга олинганларни Европа мамлакатларидаги экстремистик ташкилотнинг жангариларига алмаштиришмоқчи бўлган.

● Америка махсус ҳарбий бўлинмалари ва британиялик денгиз пйедларидан ташкил топган 1200 кишидан иборат гуруҳ Афғонистон ва Покистон чегарасига келиб тушган. Маълумотларга кўра, улар шу ерда яширинган «Ал-Қоида» ва «Толибон» жангариларига қарши ҳаракатлар олиб боришади.

● Туркия Афғонистондаги тинчликпарвар контингентини қўмондонлигини олти ойга қабул қилишга тайёр эканлигини маълум қилган. Маълумотномада айтилишича, қўмондонликни қабул қилиш мuddати манфаатдор томонлар ва БМТ билан бўлиб ўтadиган музокараларда аниқланади.

● **Бугун** Покистонда Президент Парвез Мушаррафнинг ваколат мuddатини узайтириш бўйича референдум бўлиб ўтди.

● **Кеча** Афғонистон пойтахти Қобул шаҳрида мамлакатнинг собиқ ҳукмдорларидан бири Нажибулло ҳокимиятининг ағдарилганига ўн йил тўлганлигига бағишланган намойиш бўлиб ўтди.

● 3 май кунги Вашингтонда «Тўртлик»нинг яна бир учрашуви ўтказилиши кутилмоқда.

● Францияда миллатчилар партияси йўлбошчиси Жан-Мари Ле Пеннинг 5 май кунги бўладиган Президент сайловида иштирок этишини истамаганлар оммавий намойишга чиқди.

● Миср халқи Синай ярим оролининг Исроил босқинидан озод этилганлигининг 20 йиллигини кенг нишонлади.

● Австрия пойтахти Венада «Вермахт жиноятлари» деб аталган кўргазма очилди.

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 50 (9.700) 2002 йил 1 май, чоршанба Сотувда эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

### Янгиликлар, воқеалар



«Габус қурилиш-4» шўба корхонаси электр пайвандчиси Музаффар Исмолов шахримизнинг Т. Шевченко кўчасидаги турар жой бинолари қурилишида фаол иштирок этмоқда. СУРАТЛАРДА: мохир пайвандчи Музаффар Исмолов иш устида; қурилиш давом этаётган бионинг умумий кўриниши.

### Қисқартларда

□ **ЁШЛАР** онгида қарияларни эъзозлаш», Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада фахрийлар ҳамда ёшлар, фаоллар иштирокида бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.

□ **ШУНИНГДЕК** мазкур тумандаги Янгиобод маҳалласида ҳам Қарияларни қадрлаш йилига бағишланган тадбир ўтказилиб унда фахрийларга совғалар топширилди.

□ **24-«МЕХРИБОНЛИК»** уйига тақлиф этилган мазкур тарбия масканида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб ҳозирда қарилган гаштини сураётган фахрий тарбиячилар ва педагоглар иштирокида бўлиб ўтган тадбир ҳақиқий байрам тусини олди. Унда фахрийларга Тошкент шаҳар ИИБнинг эсдалик совғалари тўхфа этилди.

□ **«Мехрибонлик»** уйининг 5 нафар тарбияланувчисининг хатна тўйи сервайз ўтди.

□ **«ЎЗАГРОСУГУРТА»** Давлат акциядорлик компаниясида агро-саноат банклари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишида мазкур компания-

нинг ўтган йилдаги фаолияти ва жорий йилда бажарилиши лозим бўлган иш режалари муҳокама этилди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Банklar Ассоциациясида банк ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишида ҳам «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банкининг ўтган йилги фаолияти ва жорий йилда бажарилиши лозим бўлган иш режалари муҳокама этилди.

□ **ТОШКЕНТ** шаҳар «Саломатлик» марказида бўлиб ўтган семинар «Жисмоний фаолият — саломатлик гарови» деб номланди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат коньсерваториясида уюштирилган хоризда таҳсил олаётган иқтидорли ёш созанда Фазлиддин Хусановнинг концерти санъат ихлосмандлариде яхши таассурот қолдирди.

□ **ВИКТОР** Гюго номидаги француз маданият марказига ташриф буюрган қардош халқлар маданият марказлари вакиллари французларнинг «Франкофония» миллий байрамиде пойтахтимиз талабаларининг француз тилида ижро этган шеър, қўшиқларидан баҳраманд бўлишди.

### «УМИД НИХОЛЛАРИ — 2002»

## Мусобақалар якунланди, Ғолиблар аниқланди

КЕЧА

Фарғонада бир ҳафта давом этган умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари нихолига етди. Унинг қатнашчилари спортнинг ўн бир тури бўйича ўзаро беллашдилар.

Нихолига етган ушбу мусобақанинг муҳим жиҳати шундаки, у мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида яратилган Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўзда тутилган узлуксиз таълим тизимига монанд ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлири талабаларини жисмоний тарбия ва спортга оммавий тарзда жалб қилишга қаратилган яхлит спорт тизимининг ҳаётга тўла татбиқ этилганини намойиш этди.

Мусобақаларнинг тантанали

ли ёпилиш маросимида ғолибларнинг номи яна бир бор тилга олинди. Шундан кейин уларга мукофотларни топшириш маросими бошланди. Мусобақа иштирокчилари, меҳмонлар ва Фарғона ахли билан рағбат байрамона безатилган стадионда мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Х.Кароматов, Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев, Халқ таълими вазирини Р.Жўраев, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б.Маҳситов топширди.

Биринчи ўринни олган Тошкент шаҳри жамоасига Президент Ислам Каримов табригининг асл нусхаси, «Дамас» автомобили ҳамда I даражали диплом, иккинчи ўринни олган Фарғона вилояти жамоасига «Дамас» автомобили ва II даражали диплом, учинчи ўринни кўлга

киритган Наманган вилояти жамоасига компьютерлашган кичик босмахона ва III даражали диплом топширилди. Шунингдек, мусобақа ғолиблари турли рағбатлантирувчи мукофотлар билан тақдирланди. «Энг аҳил жамоа» учун рағбатлантирувчи соврини — компьютер Наманган вилояти волейболчи қизлар жамоасига насиб этди. «Энг чиroyли ғалаба» учун рағбатлантирувчи соврини — телевизор фаолиятнинг полнов Шерзод Махмудовга берилди. «Юксак натижага интилиш» учун рағбатлантирувчи соврини — видеомагнитофон тошкентлик энгил атлетикачи Светлана Радзивилга топширилди.

Янроқ куй садолари жўрлигида «Умид ниҳоллари» республика спорт ўйинлари байроғи туширилди. «Умид ниҳоллари» машъаласи келгуси йили Хоразмда ёқилади. (Ўз мухбиримиз).

### САНОАТ

## Замонавий маҳсулот

Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий ривожини кичик ва ўрта бизнес соҳасида бажарилаётган ишларнинг самарасига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис ҳам шахримизда бу соҳа тобора ривожланиб бормоқда, тадбиркорлар сая-ҳаракатлари билан хусусий корхоналар ташкил этилмоқда.

Юнусобод туманидаги «Ўқишломаш» акциядорлик жамияти қошида «Ром» сер-

вис» хусусий корхонаси иш бошлади. Шуниси эътиборлики, Ўзбекистон Миллий банкидан 600 минг АҚШ доллари миқдорига кредит олган хусусий корхона фаолиятини асосан қурилиш материаллари бўлиши шундан, оғ тунука ва қора тунука ўрнини босувчи махсулот, йўлқаларга ётқизилган замонавий усулдаги плитка ҳамда керамика ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб, бу юмушларнинг си-

фатли ва соз бажарилиши учун Италиядан технологиялар келтирилди. Дарвоқе, эндиликда 60 нафар хизматчи ёрдамида фаолиятини бошлаган ушбу корхона махсулотларига талаб олинган эканлигини ҳисобга олинган бўлса, ҳозирча шахримизда ягона бўлган «Ром сервис» хусусий корхонаси махсулотларини нафақат пойтахтликларга, балки хорижга ҳам сотиш мўлжалланмоқда.

Абрак Йўлдошев

### ҚУЛАЙЛИК

## Листинг майдончаси ташкил этилди

Мамлакат иқтисодий ривожиде фонд биржаларининг ҳиссаси катта. Чунки инвестор биржа орқали исталган корхона, ташкилот тўғрисида ҳар қандай маълумотга эга бўлиши билан бирга, унга қандай технологиялар зарурлигини ҳам билиб олади.

Шу мақсадда яқинда биржада инвесторлар учун махсус листинг майдончалари ташкил этилди. Эндиликда бу жараён тўғрисида сармоядорлар учун корхоналар фаолияти билан яқиндан танишиш ва уларнинг акцияларини харид қилиш имконияти туғилди. Бундан ташқари, мамлакатимизнинг корхоналари хорижликларга ўз акциялари-

ни тавсия этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Дарвоқе, эндиликда биржада «видеолистик» кўргазмасини «Интернет» тармоғи орқали узатиш ҳам йўлга қўйилгани боис хорижий инвестор қарда бўлмасин Ўзбекистондаги корхона-ташкилотларнинг молиявий аҳолидан хабардор бўлиши мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

### ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

### КЕЧА

Тошкент шаҳар ҳокимлигида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда пойтахтнинг 2002 йил биринчи чорадаги иқтисодий-иқтисодий ривожланишига ақун ясалди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 14 февралдаги мажлисида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда шаҳарда иқтисодий ислохотларнинг бориши таҳлил қилинди.

Йиғилиши Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов олиб борди.

субъектларининг сони 16,1 фоизга кўпайди. Уларнинг ялли ички маҳсулот ҳажмидаги улуши 44 фоиздан ошди, шу жумладан саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда 32,8 фоизга кўпайди. Бу соҳада иш билан банд бўлганлар 51,5 фоизни ташкил қилди.

Мулк шаклидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар томонидан ўтган даврда 45,7 миллиард сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, 22,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди ҳамда 26,6 миллиард сўмга тенг асосий фондлар ишга туширилди.

сий саноат туманлари бўлиши Бектемир, Мирзо Улугбек, Хамза, Собир Раҳимов, Юнусобод туманларига кўпроқ тааллуқли.

Ўзаро ҳисоб-китоблар механизми изчил йўлга қўйилмаганлиги ҳам корхоналар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ҳисобот даврига нисбатан 2016 корхона бўйича дебитор қарздорлик 155,4 миллиард сўмга, 2342 корхона бўйича кредитор қарздорлик 199,98 миллиард сўмга тенг бўлди. Ўз навбатида солиқлар бўйича бюджетга боқиманда миқдори ҳамда ойлик иш ҳақи бўйича қарздорлик ҳам ўсгани кузатилди.

палатаси иштироки ҳамда молиявий институтларнинг ҳиссаси суст бўлмоқда. Хусусан, ҳисобот даврида ажратилган кредитларнинг факат 13,7 фоиз кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилган бўлиб, шундан 80 фоизни қисқа мuddатли кредитларни ташкил қилади. Инвестиция лойиҳаларидан атиги иккитасига валюта кредитлари ажратилди. Йиғилишида туман ҳокимликлари, барча мутасадди ташкилотлар кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўрасида қатъий чора-тадбирлар қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Чорак якунларига бағишланган йиғилишида шунингдек, келгуси кузги-қишги мавсумга тайёргарликни амалга ошириш зарурлиги белгиланди. Ушбу йўналишдаги жараён хусусида ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси бош директори Рафноз Норматов ахборот берди. Йиғилишида Молия бош бошқармаси бошлиги Бахтиёр Тоҳировнинг бюджет даромадлари кўрсаткичлари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Шавкат Қосимовнинг ўз вақтида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган қурилиш объектлари тўғрисидаги ахборотлар тингиланди. Муҳокамадаги масалалар юзасидан Тошкент шаҳар Солиқ бош бошқармаси бошлиги Бахтиёр Панаев, Яққасарой тумани ҳокими Мидхат Йўлдошев, Шайхонтоҳур тумани ҳокими Мирқамол Одилнов ва Собир Раҳимов тумани ҳокими Атамжон Миржалолов сўзга чиқди.

Кун тартиби бўйича муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қозим Тўлағанов иштирок этди.

Ильмира ЗАЙНУДИНОВА

## Ислохотларни чуқурлаштириш йўлида

Кун тартибидеги асосий масала юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари — Иқтисодий ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Нодир Хановнинг маърузаси тингиланди. Хусусан, маърузачи томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳудудий ички маҳсулот ҳажми 216,6 миллиард сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати 101,8 фоизга эришилгани, 136,5 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ва 77,1 миллиард сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилгани ҳамда ушбу кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 15-29 фоиз кўтарилгани таъкидлаб ўтилди.

Ҳисобот даврида давлат даромадлари 281,4 миллион сўмга ортининг умумий миқдори 81,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

Биринчи чорак давомида фаолият юритаётган кичик ва ўрта бизнес

Аҳолини иқтисодий муҳофаза қилишга оид чора-тадбирлар мажмуавий тарзда давом эттирилиб, шу жумладан 4,7 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларга 72,2 миллион сўм миқдорига моддий ёрдам кўрсатилди. Бирок ушбу ижобий кўрсаткичлар билан бир қаторда йиғилишида иқтисодийнинг айрим тармоқларидаги ҳолат ҳамда корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳоли танқидий таҳлил қилинди. Бу борада асосий эътибор ҳисоб-китоблар механизмининг тақомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш ҳамда пул-кредит сийсати бўйича комиссияларнинг фаолиятига қаратилиб, улар томонидан хануз қатъийлилик, талабчанлик ҳамда ишга таҳлилий ёндашув сезилмаётгани айтиб ўтилди.

Ҳисобот даврида саноат корхоналари сони 30,7 фоизга қамайиб, натижада 9,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар кам чиқарилди. Бундай ҳолат асо-

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш давлат дастурининг бажарилишида ҳам оқша мавжуд. Айрим корхона раҳбарларининг хом ашё етказиб бериш бўйича шартномалар тузишга эътиборсизлиги сезилмоқда. Жойларда бу масала ҳокимият органларининг эътиборидан четда қолмоқда.

2002 йил биринчи чорагида шунингдек маҳсулот ва хизматлар экспорт ҳажми 11 фоизга пасайгани маълум бўлди. Бундан ташқари экспортга йўналтирилган корхона ва ташкилотлар сони 20 тага қамайди.

Дилором ИКРОМОВА

# ТАДБИРКОР

Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг саҳифаси

Бозор иқтисодиётига ўтиш, ислохотларни чуқурлаштириш янги молиялаштириш манбалари ва усуллари излаб топиш, жаҳон тажрибасида кенг қўлланилаётган молиявий йўналишларни ўзбекистон иқтисодиётига ҳам жорий этишни талаб этади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ноанъанавий молиялаш йўналишларидан ҳисобланган лизингдан молиялаштириш манбаи сифатида фойдаланиш кенг йўлга қўйилган. Лизинг ва унинг аҳамияти тўғрисидаги саволимизга Марказий банк Тошкент шаҳар бошқармасининг кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда хоржий кредит линияларининг ўзлаштирилиши мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси Носир РАХИМОВ қуйидагича жавоб берди:

— Лизинг сўзи инглизча «to lease» — ижарага бериш сўзидан келиб чиққан. Кўпгина адабиётларда, шунингдек илмий жамоаларда лизингнинг пайдо бўлиши хўжалик муносабатларининг янги даврига тўғри келади деб ҳисобланади. Лекин тарихий ҳужжатларда қайд қилинишича лизинг (ижара) операциялари қадим замонлардан бери мавжуд бўлиб, амалиётда кенг қўлланилган. Бу даврда «лизинг» атамаси қўлланилмаган бўлсада, лекин мазмун жиҳатдан ушбу операцияга мос келадиган ижара муносабатлари эраминдан аввалги IV асрларда ҳам бўлган. Бу ҳақда машҳур файласуф Аристотель (шарҳда Арасту)нинг асарларида баён қилинган. Унинг «Риторика» деб номланган асаридида бир боб «Бойлик уни ишлатишда, унга эгаллик қилишда эмас» деб номланади. Бошқача қилиб айтганда, даромад олиш учун, албатта мулкка эгаллик қилиш шарт эмас, балки уни ишлатиш ҳуқуқи эга бўлишнинг ўзи қифоя ва шу орқали даромад олиш мумкин.

Лизинг — бу ишлаб чиқарувчидан сотиб олинган мулк (асбоб-ускуна, машиналар, кемеалар ва бошқалар) ни фойдаланиш учун ижарага тақдим этишда юзага келадиган мулк муносабатлар йиғиниди бўлиб, кунда бир томондан лизинг берувчи (у — лизинг компанияси, банклар, ишлаб чиқариш корхоналари ва бу фаолият билан шуғулланишга маблағ ва рухсатга эга корхоналар) — яъни

мулкнинг эгаси, иккинчи томондан лизинг олувчи (турли хил мулк шаклига эга бўлган юридик шахслар) ва учинчи томон мулкнинг ишлаб чиқарувчиси (сотувчиси) ўзаро муносабатга киришадилар. Лизинг берувчи ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) мулкни харид қилади ва лизинг олувчига бу мулкни вақтинчалик фойдаланишга тақдим этади.

Лизинг жуда эгилучан инструмент бўлиб, лизинг олувчи ўзига қулай вариантда лизинг тўловларини амалга ошириши мумкин, ҳаттоки товарлар ва маҳсулотлар билан ҳам тўлов тўланиши мумкин. Шунингдек, лизинг тўловларини тўлаш мuddатларини ҳамда маблағларнинг мuddатлар буйича тақсимланганини ҳам турлича белгилаш мумкин.

Ўзбекистонда мавжуд ўтиш иқтисодиёти шароитида, ишлаб чиқариш суръати паст, инвестицион фаолият суст кечаётгани, техник-иқтисодий даражаси юқори бўлмаган асосий фондлар муаммоси мавжуд ҳолатда ишлаб чиқаришни жонлантириш, иқтисодиётни ривожлантириш учун молиялаштиришнинг ноанъанавий усулларида фойдаланиш катта самара беради. Бу ўринда лизингнинг моҳияти алоҳида аҳамият касб этади.

Аммо юртимизда лизинг муносабатлари молиявий инструментлар ичида ҳали ўз ўрнига эга бўла олгани йўқ. Лизинг муносабатларининг қарор топиши жуда секинлик билан кечмоқда. Рақобат мўҳити яхши шаклланимади, турли хил молия институтлари бу жараёнда қатнашишга тўла жалб этилмаган. Республикада мавжуд 14 та лизинг компанияларидан бор-йўғи 4 тасигина ҳақиқатда шундай операциялар билан шуғулланмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш, банк ва молия соҳасида амалга оширилаётган ислохотларни чуқурлаштириш лозим.


Ҳозирги кунда Республикада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шу нуктаи назардан лизингнинг бу соҳада ҳам ўз ўрнига эга эканлиги уни жадал ривожлантиришни тақозо этади. Бу соҳада ҳали қилинадиган ишлар кўп. Ўйлаيمانки, яқин орада лизингнинг ривожланиши учун республикамизда қулай шарт-шароит яратилади ва тарққий этган мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам лизинг асосий молиялаш манбаларидан бирига айланади.

## КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС

### Асосий молиялаш манбаига айланади

## ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

# ҚАЛБИГА ҚУЛОҚ ТУТИБ...



«Махлиб-шифо» хусусий шифо масканининг ташкил этилганига эндигина икки йил ўтган бўлсада, бу ерда ўз дардида даво топган юзлаб беморларнинг миннатдорчилик дафтарига ёзиб кетган дил сўзлари саломатлик посбонларининг меҳнат самарасидан дарак бериб турибди.

Мустиқлигимиз туфайли барча соҳаларда бўлгани каби тиббиётда ҳам тадбиркорлик билан иш юритишга кенг йўл очилди. Кўпдан бунён хусусий шифохона очиб, одамлар дардида замонавий тиббиёт ускуналарини ёрдамда, малакали шифокорлар қўмағида малҳам бўлишни дилга туккан шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Мухайё Воисова ана шу имкониятдан оқилона фойдаланганлар сирасига қиради. Негаки, икки йиллик фаолияти давомида у ҳам малакали шифокор, яхши раҳбар, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларга эга тадбиркор аёл сифатида танилди.

— Юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшиш, инсонлар саломатлигига чин дилдан малҳам топиш мақсадида хусусий шифо маскани очилиши ният қилдим, — дейди Мухайё Воисова. — Албатта, бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Аввало, ушбу шифохона учун эски поликлиникани ижарага олиб, бир йилдан ортиқ вақт мобайнида уни талабарлар даражасида тўла таъмирлади, керакли тиббиёт ускуналарини номзоди Мухайё Воисова ана шу имкониятдан оқилона фойдаланганлар сирасига қиради. Негаки, икки йиллик фаолияти давомида у ҳам малакали шифокор, яхши раҳбар, ҳуқуқий ва иқтисодий билимларга эга тадбиркор аёл сифатида танилди.

шифокорларни ҳам танлашга муваффақ бўлди. Албатта, ишчимизни йўлга қўйишда бизга Ўзбекистон дерматовенерологлар уюшмаси методик, Американинг «Колгейт Полмолив» компанияси моддий, республика «Тадбиркор аёл» уюшмаси хар томонлама ёрдамларини аямдади. Энг кераклиси эса бизга ишонч билдириб умид билан келатган беморларимиз бўлди. Шу боис ҳам биз улардаги шифо топишига умидини сўндирмасликка, ноумид қайтармасликка ҳамisha ҳаракат қиламиз. Соғайиб кетган беморларнинг миннатдор дил сўзлари эса шифокорларимизга куч-ғайрат бағишлайди, янада изланишга ундайди.

Ушбу шифохонада тери касалликлари билан келган беморлар аввало тегириклиб, сўнгра муолажа қилинади. Муолажанинг яхши натижа беришида шу нарсага эътибор қаратиладики, аввало касалликнинг келиб чиқиш сабаблари алерголог, невропатолог, гинеколог, лор шифокорлари билан ҳамкорликда ўрганилади, сўнгра ташкил қилинади. Шифохонада физиотерапия, муолажа, биохимия лабораторияси хоналари мавжуд. 5 нафар малакали шифокор, 2 нафар тиббиёт ҳамшираси беморларни нафақат дори-дармон, балки ширин муомалалари билан ҳам даволашади. Улар олий тоифали шифокорлар, тиббиёт фанлари номзодлари ва профессорлардир. Шуниси қувонарлики, шифохонага республикамизнинг барча вилоятларидан, шу билан бирга Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Россия ва бошқа хоржий дав-

## ИШБИЛАРМОНЛИК

### Ярашганини танлайсиз

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида тадбиркорлик билан иш юритиб, эркаклар ва аёллар, аynикса болажонларимиз учун иқлим шароитимизга мос мавсумий устки кийим-кечакларнинг замонавий ва қулай турларини ишлаб чиқараётган «Имэкс» хусусий корхонаси маҳсулотлари хорижникидан асло қолишмайди.

— Бунинг асосий сабаби, — дейди корхона раҳбари Ирина Чагина, — мунтазам равишда бозорни, харидор дидини, талабни ўрганиб бораётганимиздир. Матолари танлаётганимизда унинг мавсумоллигига эътибор қаратамиз. Фаолият кўрсатаётганимизга эндигина бир йилдан ошган бўлсада, буюртмачиларимиз сони ортиб бормоқда. Шаҳримиздаги савдо билан шуғулланувчи хусусий тадбиркорлар асосий мижозларимиз саналади. Маҳсулотларимиз динийни яратишда тинмай изланамиз. Аynикса, ўғил-қизларимиз учун яратаятган турли-туман бежирим либосларимиздан ўзимиз ҳам қувонамиз. Болажонларимизга қулай, чиройли бўлишига эришишга интиламиз. Шуниси қувонарлики, чеварларимиз тикаятган болалар кийимлари бозорда сотилаётган хориж товарларидан бирмунча арзон нарҳда бўлишига қарамай

сифати, чидамлилиги билан, бичими жиҳатидан бемалол улар билан рақобатлаша олади. Хозирда ушбу корхонада 6 нафар ходим фаолият кўрсатаётган бўлса, келгусида тушаётган буюртмаларга қараб фирمانини кенгайтириш кўзда тутилган. Шунингдек аёлларимиз учун энг гўзал кийим-кечаклар моделларини яратиш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда. Тадбиркорларнинг мақсадлари эса чет элдан келтирилаятган маҳсулотлар ўрнини босувчи энг чиройли, кўркам либосларни ҳамюртларимизга тортиқ этишдир. «Имэкс» хусусий корхонасига ташриф буюрсангиз, ўзингизга ярашганини танлаб olasиз ва албатта бу либос сизга маъқул келади.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: кизалоқлар учун корхонада тикилган либослар.



## СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

### Аудиторлар фаолият доираси

Аудиторлик фирмалари қандай мақсадда тузилади? Шу ҳақда газетангизда маълумот берсангиз. Тожиниса Умарова, тадбиркор.

Аудитор сўзи хўжалик фаолиятини текшириш ва таҳлил қилиш маъносини билдиради. Аудиторлик фирмаси эса корхона ва ташкилотларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириб берувчи, улар ишининг экспертизасини ўтказувчи мустақил жамоа ҳисобланади. Одатда у акционерлик жамияти ёки кооператив шаклида фаолият кўрсатиб, ўз хизмати учун ҳақ олади.

Бу фирма тўла мустақилликка эга бўлиб, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Ўз ишини ҳар бир мамлакатда ёки халқаро микёсда қабул қилинган ҳисоб-китоб ва тафтиш қоидалари асосида олиб боради. Тафтиш натижалари бошқалар учун сир сақланиб, ошқор қилинмайди.

Аудитор фирма ишида қатнашувчи тафтишчилар аудиторлар деб аталиб, улар вақтбай ишлайди ва хизмат ҳақи ишлаган кун ҳисобига қараб тўланади. Республикада 1992 йилдан бошлаб «Ўзбанкгаудит» банклараро акционерлик жамияти иш олиб бормоқда. Ушбу ташкилот банклар, кредит муассасалари, сугурта компаниялар, ташкилот ва корхоналарнинг тижорат ва молиявий хўжалик фаолиятини текширади, мижозлар буюртмаси буйича экспертизалар ўтказида. Аудиторлик хизматидан фойдаланиш натижада корхона ва ташкилотлар ўзларининг молиявий аҳволидан чуқурроқ хабардор бўлишади.

латлардан ҳам беморлар мушоава этишади. Яқинда Англиядан келган бемор ҳам бу ерда шифо топанганини айтиб ўтиш ўринлидир. Тадбиркорлик билан иш юритаётган раҳбар Мухайё Воисованинг ҳам ниятлари кўп. Қўшимча стационар қуриш, дориюна оциш беморлар учун яратилмаган қулайликлар сирасига қиради. Шунингдек, хорж билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, тиббиёт соҳасидаги илгор тажрибаларни алмашиш, керакли жиҳоз ва дори-дармонлар олишда имкониятлар топиш йўлида ҳам саъй-ҳаракат қилинмоқда.

— Хар бир соҳада тадбиркорлик билан иш юритган ютади, албатта, — дейди тадбиркор аёл. — Лекин бизнинг мақсадимиз тадбиркорлик билан фойда кўриш эмас, балки эзгу ниятимиз инсонлар саломатлиги йўлида меҳнат қилиш, беморларнинг соғайиб кетишига муҳим хисса қўшишдир. Юртимизда соғлом ва баркамол авлоднинг камол топишида, мамлакатимиз келажаги бўлган фарзандларимизнинг гўзал ва бақувват, доимо соғлиқлари мустаҳкам бўлишларида муносиб улушимиз бўлишини истаймиз. Ушбу мақсад йўлида эса хусусий шифохонимизнинг ҳар бир шифокори изланиш ва ташаббускорлик билан меҳнат қилишга интилкоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: шифохона директори Мухайё Воисова катта ҳамшира Зулфия Ойдусовога керакли тадбиркорлик бермоқда; невролог шифокор Адиба Назарова беморни текширувдан ўтказмоқда. Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

## ДОЛЗАРБ МАВЗУДА

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 апрелдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қарори асосида пойтахтимизда ҳам бугунги кунгача 400 га яқин уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташкил топди. Албатта, уларнинг кўпчилиги баланд каватли уйларда яшовчи хонадонлар ахлининг ишончини қозонгани ҳолда, ўз фаолиятларида айрим муаммолардан ҳам холи эмас. Ана шу юзага келаятган муаммоларни ҳал этиш борасида ширкатларга Тошкент шаҳар Худудий коммунал фойдаланиш бирлашмаси мутахассислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Бирлашма бош директори-нинг ўринбосари Иброҳим ХОЛМАТОВ айни дамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари олдига турган вазифалар ва уларни ҳал этиш юзасидан нималарга эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида бизга қуйидагиларни гапириб берди:

# Муаммолар ечими йўлидаги изланиш

— Шаҳримиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари 2-3 йилдан буён фаолият кўрсатаётган бўлсада, лекин уларнинг мақсад ва вазифаларини ханузгача кўпчилик яхши англаб етгани йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг юқоридидаги Қарорида таъкидланганидек, уй-жой мулкдорларининг ширкати қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уй-жой мулкдорларининг уйдан фойдаланишини, унинг сақланишини биргаликда бошқариш ва таъминлаш, умумий фойдаланишдаги объектларга эгаллик қилиш ва улардан фойдаланиш шартлари, тартибини аниқлаш, умумий мулкдаги мол-мулкнинг лозим даражадаги ҳолатини таъминлаш мақсадидаги бирлашмадир. У нотижорат ташкилот бўлиб, битта ёки яқин, зич жойлашган, умумий ўлчамлари ва инфратузилма элементлари бир бўлган бир неча уйда ёхуд уйнинг бошқа қисмларидан алоҳида кириш жойи бўлган, қамида битта блок-секция ҳажмидаги мустақил қисмида турар жой мулкдорларидан қамида ярмининг хоҳишига қўра, таъсис мақсларининг қарори билан ташкил этилади. Шуниси муҳимки, ширкат ишчиларини ҳам яшовчиларнинг ўзи танабди. Ширкат ходимлари эса ўз набаҳида барча қарорларни ўз тасаруфидидаги уйларда яшовчилар билан биргаликда қабул қилиши, улар орасида тушунтириш ишларини оқилона олиб боришлари лозим. Лекин шунини айтиб ўтиш лозимки, амалда бундай бўлаётганлиги бирлашмамизга уй-жой мулкдорлари ширкатларига аъзо бўлган хонадон ахлилардан бўлаётган арзларда яқин кўзга ташланмоқда. Арз билан келган ширкатларга таъсир ўтказишимизни илтимос қилишди.

Аммо биз бундай ҳуқуққа эга эмасмиз. Бирлашмамиз фақатгина уларга молиявий-иқтисодий масалаларни ечишда, ҳуқуқатини соҳага оид Фармон ва қарорларини тушунтиришда методик томондан ёрдам бериши, ҳуқуқий маслаҳатлар уюштириши мумкин. Ана шу мақсадда бирлашмамизда доимий равишда ўқув семинарлари ташкил этилиб, унга пойтахтимиздаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходим ва раҳбарларини тақлиф этилмоқда. Биз уларга келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни тақлиф этишимиз. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай ўқув семинарида фойдаланиш харажатлари тарифини ошириш масаласи алоҳида муҳокама этилди. Бу, албатта, навбатдаги кузги-қишки мавсум тайёргарчилиги учун жуда муҳим бўлиб, барча ширкатларга ушбу масалани муҳокама этиш учун яшовчилар билан учрашиб, фикр-мулоҳазаларини билиш тақлиф этилди.

Албатта, ҳозир ушбу масала ширкатлар олдига турган энг муҳим ишлар сирасига қиради. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 июлдаги «Уй-жой фондларига хизмат кўрсатиш ва уларни сақлаш бўйича ҳисоб-китоблари шартнома тизимига ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига биноан бирлашма шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда давлат уй-жой ташкилотлари учун ўрнатилган фойдаланиш харажатларини вақти-вақти билан қайта кўриб чиқади. Кейин улар шаҳар ҳокимлигининг қарори асосида лозим бўлган ўзгартиришлар билан амалга оширилади.

Охириги марта тарифлар шаҳар ҳокимининг 2000 йил 4 апрелдаги «Фойдаланиш хизматлари тарифларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган. Ушбу тарифлар турар жойларда яратилган қулайликларга қараб 5 гуруҳга

бўлинган. 2000 йил 1 майдан 1 квадрат метр саҳн учун ўртача 27,70 сўмдан белгиланган. Тарифлар 1-гуруҳ уйлар учун 33,61 сўм, 2-гуруҳ уйлар учун 25,71 сўм, 3-гуруҳ уйлар учун 23,14 сўм, 4-гуруҳ уйлар учун 20,57 сўм ва ниҳоят 5-гуруҳ уйларга 18 сўмдан тасдиқланган эди.

Бу тарифларнинг ҳисоб-китобларига 2000 йилнинг 1-чорагида амал қилинаётган нарҳлар, ойлик иш ҳақи ва бошқа сарф-харажатлар асос қилиб киритилган эди. Масалан, 1 киловатт электр энергиясининг сарфи учун 3,5 сўм микдори қўйилган бўлса, хозирда 1 киловатт электр энергияси нарҳи 7,4 сўм. Уй-жой ташкилотларининг асосий даромад манбаи аҳолининг тариф буйича тўлаётган тўловларидир. Юқоридидаги тарифлардан фойдаланаётган уй-жой мулкдорлари ширкатлари тушумларининг чегараланганлигида молиявий қийинчиликларга дуч келишмоқда. Ана шунинг натижасида аҳолидан тўлаётган арзларни ўз вақтида бажариш имконига эга эмаслар, яъни уй товларини, муҳандислик тармоқларини, йўлак эшикларини ва бошқаларни тўла таъмирлаш оляпти. Натижада яшовчиларга қўрсатилаётган бундай хизматлар сифати пасайиб, кўп қаватли уйларнинг техник ҳолати ёмонлашмоқда. Ана аҳоли томонидан қўллаб эътирозларга сабаб бўлмоқда. Холбуки, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 14-банди ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 октябрдаги 454-Қарори билан тасдиқланган ширкатларга нуманавий Низомининг 3-бўлимида уй-жой мулкдорлари ширкатлари қирим ва чиким сметаларини, умумий мулклардан фойдаланиш ва таъмирлаш учун зарур бўлган сарф-харажатларни ўзлари мустиқлик ҳал эта оладилар. Қабул қилинган қирим ва чиким сметасига асосан фойдаланиш харажатлари буйича тўловлар мулк эгасига тегишли саҳнага қайта белгиланади. Йиллик қирим ва чиким сметаси турар-жой эгаларининг умумий мажлисида кўриб чиқилиб, тасдиқланади.

Сирасини айтганда ширкатлар лозим бўлган ҳолда уй-жойларни авайлаб-асраш учун яшовчиларнинг жамоа тузилмаси сифатида аҳоли ўртасида мунтазам, шу билан бирга чидам билан тушунтириш ишлари олиб бориш, улар билан ҳамжиҳатликда молиявий-иқтисодий, шунингдек фойдаланиш харажатлари учун тўловлар масаласини ҳал қилиши керак. Улар амалдаги тарифларни оширмасдан туриб, ўз вазифалари бўлиши уй-жой фондларининг сифатини лозим даражада сақлаш, уларни таъмирлаш, авайлаб-асраш ишларини бажара олмайдилар.

Яна шуниси муҳимки, уй-жой мулкдорлари ширкатлари мутаасдилари Республика Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида иш юритиб, қўшимча даромад олиш имкониятларидан кенг фойдаланиши ва ушбу маблағларни аниқ мақсадлар учун сарфлаши керак. Бу борада эса Фармонни пухта ўрганиш керак бўлади. Бунинг учун бирлашмамиз ходимлари камчиликларни тугатиш йўллари кўрсатишда, муаммолар ечимини топишда уларга ёрдам беришга ҳамisha тайёр. Лекин ширкатлар ўзининг аниқ мақсад ва вазифаси йўлида изланишлари, ташаббус кўрсатишлари лозим. Шуниси муҳимки, биз ва яшовчилар билан ҳамкорлик ширкатлар муваффақиятини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

(Ўз мухбиримиз)

## 2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

# Устозлар кўнгли шод бўлди

Халқимиз азал-азалдан хайрли ва савобли ишларни амалга оширишга одатланган. Шукроналар бўлсинки, мустақилликка эришганимиздан сўнг ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаятган миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланди. Хонадонларимизга ўзгача нур, шодлик, қалбларимизга меҳр-оқибат кириб келди.

— 2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили деб эълон қилинганлиги айниқса меҳр-оқибат, саховатнинг юқори поғонага кўтарилишига сабаб бўлди, — дейди Собир Раҳимов туманидаги Юсуф Шомансур номи мактаб раҳбари Матлуба Аюпова, — мактабимиз жамоаси, хусусан қасаба уюшма қўмитаси раиси, тарих ўқитувчиси Феруза Мирсобитова, она тили ва адабиёт мураллимаси Раҳбар Исмамухамедова, Дилшоҳа Қаюмова, рус тили ўқитувчиси Маргарита Мустафова, математика фанидан дарс берувчи Меҳрибон Иминовларнинг саъй-ҳаракатлари боис хозирда нафақадан бўлган кекса педагогларимиз, тажрибали устозларимизнинг ҳолидан хабар олиб туриш аънамага айланган. Жумладан, кучи кеча мактабимизда собиқ раҳбаримиз Маҳкам ака Расулов хонадонларига бор-

ганимизда у кишининг ниҳоятда қувонганлиги дилимизни ҳушнуд этади. — Қадимларингизга ҳасанот, — дедилар Маҳкам ака бизни қаршилар эканлар, — Яқиндагина собиқ ўқувчиларим — Абдумалик Яминов, Мирзаъам Мирсолиховлар келишиб, сизларнинг саломингизни етказишган эди. Мана, энди ўзларингизни кўриб турибман. Оллоҳга шукр, аввалгидан анча тузумман.

Дастурхон атрофида суҳбатлашдик. Кўнгли-кўнглидан сув ичди. Бежиз айтмайдилар, «Бир бемор кўнглини қила олсанг шод, минг марта Маккага боришдан зиёд» деб. Кўнглимиз таскин топган, уларни уринтириб қўймаслик мақсадида, яна бора-бора қайта кўриб чиқиб, меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Отахон ҳақ гапни айтдилар. Зеро, бу дунё ўткинчи. Ундан фақат эзгулик, ахлоқлик қолади, холос.

Мухаббат РАСУЛОВА

## Хурмат-эҳтиром кўрсатилди

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилган тадбирга кекса ёзувчи, шоирлар, журналистлар ва адабиётшунос олимлар ташриф буюрдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов сўзга чиқиб, адабиётимизнинг

кекса намояндalarини Қарияларни қадрлаш йили билан муносабатда этиб, бир қанча адибларга уюшма томонидан ажратилган савғаларни топширди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Номозов ва бошқа хонадонлар ижросидаги дилбар куй-қўшиқлар тўқин дастурхон атрофида ийилган меҳмонлар қалбига бир олам завоқ бағишлади.

Дилором ИКРОМОВА

## Мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказилаётган турли хил анжуманлар, ажойиб тадбирларда пир бадаллар, нуруний отахону онахонларга юксак хурмат-эҳтиром кўрсатилиб, улар эъзозланмоқда.

Яқинда ана шундай анжуманлардан бири Республика «Маҳалла» жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, шаҳар «Оила» маркази томонидан ташкил этилиб,

## Амалий анжуман

«Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган амалий семинар-кеңаш «Қариялар қадр топан юрт» деб номланди. Унга маҳаллаларнинг кекса фаол аёллари, меҳнат фахрийлари ташриф буюрдилар. Анжуманда Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари, шаҳар «Оила» маркази раиси Г. Йўлчиева «Қариялар қадр топан юрт», «Олима аёллар» уюшмасининг раиси, профессор Х. Шайхова «Еш авлодин тарбиялашда кексаларнинг тажрибаси» мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Шунингдек, Шайхонтоҳур туманидаги «Янги оёбод» маҳалласида ташкил топган «Мерос» театри бадий жамоасининг чиқишида тадбирга ўзгача фойда киритди.

(Ўз мухбиримиз)

**СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ**

— Дунёда шундай мунаввар бир кўшиқ борки уни куйлаганинг сари маънан юксалиб, рухан покляниб бораверасан. Бу жаннатмақом Ўзбекистон — Ватан ҳақидаги кўшиқдир. — дейди биз билан суҳбатда бугунги кунда барчанинг меҳрини бирдек қозониш бахтига муяссар бўлган эстрада хонандаси Озодахон Нурсайдова.

Тахририятимизга келаётган мактубларнинг аксариятида ушбу хонанда билан суҳбат беришимизни сўрашган. Биз айти фусункор баҳор насими эсаётган кунларда янги кўшиқ, янги клип, янги альбом тайёрлаш иштиёқига изланаётган Озодахон Нурсайдова билан суҳбатлашдик.

— Озодахон, ёшлик инсоннинг энг беғубор онларига киради. Ёшлик чоғларида эса қоладиган воқеалар кўп бўлади.

— Тўғри айтасиз. Ёшликдаги воқеаларни эслашнинг ўзи гаштли. Болалигим — пошшолитим деб жуда тўғри айтилган. Мен ҳам ёшликда бироз ўжар, айтганини қиладиган, ўзини ҳеч

мустақил Ўзбекистон, она юртим кўшиқлари дунё узра таралса дейман, ўзим ҳам бу ишда озми-кўпми ҳиссамни қўша олсам деб ният қиламан.

— Яхшилик тушунчаси сизнинг наздинда...

— Ҳаёт жуда қизиқ эканда...Кечагина ўзим одамларнинг эътиборига, эътирофига қараб турар эдим. Бугун эса... Бу-

— Ҳа, «Муҳаббат қайдасан» кўшиғи бундан 5 йил аввал янграган эди. Шу ўтган йиллар мобайнида жуда қаттиқ меҳнат қилдим, иқод машаққатларини енгиб ўтдим. Оллоҳга шукр, шунга яраша эл орасида танилиб, озми-кўпми обрў орттирдим. Ҳаммиша эл эъзозиде бўлишга интилиб яшайман.

— Яқинда Мисрда бўлиб қайтдингиз...

— Арабистон давлатида иккита янги кўшиғимга клип ишлаб қайтдик. У ерларда бўлиш менинг болалиқдаги орзуим эди. Етти мўъжизанинг бири бўлган Миср эҳромлари, 50 асрлик тарихга эга бўлган мўъжизавий ёдгорликлар кимларни хайратга солмаган ахир. Александрия шаҳрида, Қизил ва Урта ер денгизларида ҳам клип суратга олинди. Халқимизга ушбу клиплар манзур бўлса бошим осмонга етади...

— Саҳнада кетма-кет янги санъаткорлар пайдо бўлаётгани, баъзан адашиб ҳам кетасан киши.

— Жуда тўғри. Санъат йўлини танлаш, саҳнада кўшиқ куйлаш албатта ҳар кимнинг ўз хоҳиши. Лекин санъат борасида ҳеч қандай билимга, тажрибага, қўлингчи, санъат мактабидан ҳатто хабари ҳам бўлмаган одамнинг кўшиқчиликни даъво қилиши, жуда кулгили менимча. Яхши созанда, яхши раққоса бўлдинг, дегани «яхши кўшиқчи бўласан» дегани эмаску ахир. Санъатимизга панд бераётган бундай «кўшиқчи»лар сафининг қамайиши тарафдориман.

— «Озодахон водийга келин бўлмоқчи» деган хабарнинг тарқалганига анча вақт бўлди...

— Ҳазил гап жуда тез тарқалар экан. Турмушга чиқишга шошилмаётганимнинг сабаби битта: санъатда жуда катта иждоий режаларим, мақсадларим бор. Мен ҳам албатта меҳрибон волидам, дуоғўй онажонимнинг орзу-ҳаваслари ушлаганини, бахтли бекаликни, мард, олижаноб, танти, мени ҳаммиша тушуна оладиган йигитнинг ёри бўлишни ниёт қиламан. Ким биледи, балки ўша кунлар жуда яқиндир...

— Мухташам Халқлар дўстлиги саройида концертингиз бошланди. Номини «Энди, мен кетаман» деб номлабсиз.

— Халқимиз дилига, кўнглига жо бўлди, менимча ушбу кўшиқ. Шунинг учун ҳам концерт дастуримни шу ном билан боғлашни маъқул кўрдим. Ҳозир кизгин тайёрларлик кетаяпти. Янги-янги кўшиқлар билан муҳлисларимни мамнун эттишга аҳд қилганман.

— Муҳлисларингизга қандай тиллақлар билдирасиз?

— Кўшиқсевар халқимиз хонандонидан тинчлик-омонлик, файзу барақа аримансин. Яхши кўшиқ уларга ҳаммиша ҳамроҳ бўлсин. Барча-барчани фақат улар учун янграйдиган концерт дастурига тақлиф қилиб қоламан.

— Мароқли ва дилкаш суҳбатингиз учун ташаккур.

Шоира МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

Халқимизда «Яхшидан от, ... қолади», деган ибратли мақол бор. Дарҳақиқат йиллар, асрлар ўтади, яхши инсонларнинг ҳаётликларида қилган ибратли ишлари, эзгу амаллари тилдан тилга кўчиб, авлодлар учун жонли гувоҳ бўлиб қолади. Ҳар йили 9 майни Хотира ва кадрлар кўни сифатида нишонлашни ҳам нақадар савоб иш бўлаётганлиги кўпчилики мамнун эътиёр. Бу кунлари ёш ўғил-қизлар карьерлар ҳолидан хабар оладилар, ўтиб кетган отаналари, жигарларини хотирлаб, қабрларини зиёрат қиладилар.

**Эзгуликка йўғрилган ҳаёт**

Ҳаёти давомида фақат яхшилик, эзгулик сари интилиб яшаган, ўзидан бир этак солиқ фарзандлар қолдирган Мухторхон ақани ҳам яқинлари доимо яхши бир хотира билан эслайдилар.

Азим Тошкентнинг Сарҳумдон маҳалласилик Мухторхон темир йўли йўловчилар ташиш корхонасида илк бор меҳнат фаолиятини бошлаганда ҳали мўйлови сабза урмаган ўн саккиз ёшли ўспирин эди. Уруш бошланган кезлар, Аскар ёшидаги йигитлар фронтга отланаётганлиги учун ҳам бу ерда ишчи кучи етишмасди. Шу сабабдан уни шу ерда меҳнат қилишини айтишди. Ёш йигитча кузатувчи бўлиб ишга киришди. Ундан фронтга жўнаётган ҳамшаҳарларини мўлжалланган жойга эҳтиёт-лаб кузатиб бориш талаб қилинardi. Мухторхоннинг илк меҳнат фаолияти ана шундай қийинчилик, уруш даврига тўғри келганди.

Ойлар кетидан йиллар ўтди. Опа-сингиллари Тоҳирхон, Нозимхоннинг турмушга узатди. Меҳнатни илм билан узвий боғлаб олиб бориши, касбини пухта билганлиги учун поезд бошлиғи этиб тайинланди. Бу ишонч унга қувват бахш этиб, янада фидойиллик билан меҳнат қилишга ундади.

— Мана бу воқеани отамлар бизга кўп эслатиб турардилар, — дейди оилани бош ўғли, ҳозирда кимё технологияси илмий-тектириш институтида илмий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари, кимё фанлари доктори, профессор Умархон Азизов. — Бир кун беш ака-ука тушлик учун дастурхон атрофида жамланган эдик. Шунда отам: «Фарзандларим, инсондан фақат яхшилик, эзгу ишлар қолади, дея сўз бошладилар. — Насихатим, меҳнаткаш, оқибатли бўлинг! Илм ўрганинг. Зеро, Қуръони Каримда «бешикдан то қабргача илм изла» деб бежиз айтилмаган. Нафақат ўз жигарларингиз, қавму қариндошларингиз, балки ёрдамга муҳтож ҳар қандай кишига кўмак беришни унутманг.

Ўтган ҳафта Тошкентга қайтишимизга бир неча дақиқа қолганда олдимга оддий кийинган рус йигити келиб, «Чамадоним, ҳужжатларим ва билетимни олдириб қўйдим. Исми-фамилиям Федор Николаев, ўзим жарроҳ-профессорман. Тошкентда ишлайман. Шунинг учун олиб ке-

тишингизни илтимос қиламан», дея мурожаат қилди. Қийинчиликни, жавобгарликни бўйинга олиб ола келдим. Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашмайди, деганларидек вақти келиб у билан учрашиб қолса яхшилик қилар. Бўлмаса Аллоҳдан қайтади», дея кўнглимга туғиб қўйдим.

Отамизнинг бу ибратли воқеий ҳикоясини ҳали-ҳануз эслаб тураимиз. Мен сингари уқаларим ҳам ота насихатини ёд олиб, ҳалол меҳнат қилиб, олий маълумотли бўлишиди. Айна пайтда Жалолхон хусусий фирма раҳбари, Авазхон ҳам олий маълумотли, отамиз изидан бориб, Ўзбекистон темир йўлларининг поезд кузатувчиси, Маҳмудхон техника фанлари номзоди, доцент «Ўзкимёсаноат»-да етакчи муҳандис, Камолхон эса «Ипак йўли» банкида бўлим бошлиғи.

1983 йили бахтсиз ҳодиса рўй берди. Тезлик билан отамизни шифохонага олиб бордик. Тасодифни қарангки, бу ерда бизни қабул қилган профессор бир пайт отам Тошкентга олиб келган Федор Николаев бўлиб чиқди. Елиб-югурди, қўлидан келган барча муложаларни қилди. Лекин жароҳат ниҳоятда оғир экан. Барча ҳаракатлар фойда бермади. Отамиз бу фойи дунё билан хайрлашдилар.

Ҳа, Мухторхон ака ҳаёти давомида доимо яқинларига меҳр-оқибатли яшаб, меҳнат қилди. Айниқса, байрам кунлари етим, бева-бечораларнинг кўнглини оларди. Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам беради. Фарзандларини ҳам шунга ўргатди. Умархон ака хонандондан қайтаётганимда кўшни уйдан таралаётган кўшиқ овози эътиборимни жалб этди:

Яхшига қилсанг,

Хам айтади,

Хам қайтади.

Дарҳақиқат, Мухторхон ака Азизов эзгулик, яхшилик уруғини фарзандларига сочиб кетди. Шунинг учун у жигарбандлари қалбиде мангу яшайди. Фарзандлар юрак тубидан чиққан куйидаги шеърини мисралар ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Оталарин кўш билган,

Оналарин ойдек кўрган,

Фарзандларин юлдуз деган,

Азиз инсон отамизсиз.

Турсунхўжа

МАҲМУДУЖАЕВ

**Шарқ дурдоналари**

**ОЗ-ОЗ ҲАТТИ**

**ДОМО БУЛАВ...**

● Эшитган билан кўрган бир хилда эмас. Эшитилган сўз чин ёки ёлгон бўлиши мумкин, фақат унга дарров амал қилмай, текшириш, чин бўлса, сўнгра амал қилиш лозим.

● Хар киши сўзи билан танилади, хулқ-атвори билан таърифланади.

● Олимлардан Фозил Аҳмад айтади:

— Тарбия — инсон табиатининг бутун қобилиятларини мунтазам, мутаносиб ва келишган бир суратда ортттиради, инсонни гоё ва мақсадига етказилади. Тарбия — ҳақиқий ҳаётга талаба етиштиришдан иборатдир.

Тарбия — инсонларни фазилатли, жамиятга фойдали қилиб етиштириш учун энг қисқа йўлдир.

Тарбиянинг мақсади инсонларнинг бадан, фикр ва ахлоқий хусусиятларини авлоддан авлодга тараққий эттириб, инсониятнинг умумий юксалишига хизмат қилишдир.

Оила — фарзанднинг бадан, фикр ва ахлоқини тарбиялаш тушурувчи, гўзаллаштирувчи биринчи мактаб, биринчи муҳитдир. Бу мактабнинг асосий мураббийлари — ота билан онадир. Шунинг учун ота-она тарбия вазифаларига жуда яхши бўлсалар, бир кун ҳаётга ёлғиз қирадиган фарзандларини мукаммал ҳолда ўстирадилар.

БАЙТ:

Бўй эй кўзимнинг нури хар ерда боадаб,

Қилгунг зиён кўз каби кўзларга жо адаб.

Хар ким адабсиз бўлса бўлур хору талхон.

Хар нотавон кишини қилур кўп расо адаб.

● Шайх Муслиҳиддин Саъдий айтади:

— Сенга улуглик керак бўлса, тавозеъни ихтиёр қил, улуглик томининг нарвони бундан бошқа нарса эмасдир. Тавозеъ сенинг мақом ва мартабангни оширади. Такаббурилик эса хорликка туширади. Мутаккаблар ва мағрур бўлган киши бир кун фалокат ва ҳалокатга учрайди.

Сенга мартаба, мансаб, иззат ва шараф керак бўлса, бошқаларни камситма, уларга ҳақорат кўзи билан қарама. Ким билан суҳбатдош бўлсанг, очик юзли, мулоим ва ширин сўзли бўл. Хулқ-атвори, феълӣ ёмон бўлган киши бахт-саодатга эришмайди, боши қайғу-аламдан чиқмайди.

● Оқил кишининг маст, жоҳил киши билан олишиб, у билан ади-бади айтишиб туриши маъқул эмасдир. Бир одамнинг оёғини ит қопиб олди, шундай қаттиқ тишладики, у бечоранинг оёғидан қон оқиб, азоб бера бошлади. Кечаси оғриқ кучайиб, кўзига сира ҳам уйку келмади.

У одамнинг кичкина бир кизи бор эди. Қизча отасининг тортган азобини кўриб айди:

— Отажон, нега итнинг қолганига қараб тура бердингиз? Сизнинг ҳам ўткир тишларингиз бор-ку, сиз ҳам тишлаб олсангиз бўлмасми?

Отаси кичкинанинг сўзидан қулиб:

— Эй, кўзимнинг нури, кўнглимнинг овунчоғи қизча, меннинг ҳам у итнинг тиши каби ўткир тишларим бор, лекин пок тишларимнинг унинг нопок танига уришим, тишлашим тўғри бўлмайди. Агар мен ҳам тишласам, мен билан ит орасида нима фарқ қолади? — деб қизининг бош-кўзини силаб қўйди.

БАЙТ:

Эй ўғил, бўлгил ҳаёсиздан йироқ,

Кўп йироқ бўлсанг сен ундан яироқ.

● Олимлардан Лутғий Симовий айтади:

— Қўчага кечалик кийим билан чиқиб, меҳмон қабул қилиш тарбиясизликни билдиради. Мажлисда сўзлаб турган нотикининг сўзини кесиб сўзга киришиш, нотик фикрини маъқул топмаса, кечирасиз, менинг тушунишимча, сиз айтган масала бироз бошқа маънода бўлса керак, агар мен хато тушунган бўлсам, қаноатлантирарлик изоҳ беришингизни ўтинаман, дейиш ўрнига, «ёлгон сўзлашсанг, масала бундай эмас, фикрингиз жуда хато» — дейиш ахлоқсиз, тарбиясизликни яққол кўрсатади.

● Айлиниб томоша қилиб юрган ошнолардан бирининг бир таниши кўриниб қолса, ошнолардан ажралиб бориб таниши билан узоқ вақт суҳбатлашиб, ошноларни кутиб туришга мажбур қилиши адабга мувофиқдир.

● Пок-соф кўнгилли одамлар доимо мулоим, мутавозе ва ҳокисор бўладилар, мутакаббир ва мағрурлар эса бу гўзал хислатлардан маҳрумдирлар. Кўрмайсанин, сермева даракт шоҳи эғлиб туради, мевасиз шох типпа-тик ўсади.

ХИҚОЯТ: Қадимги арабларнинг «Умавия» давлати халифаларидан бири ўзининг фазл-камолӣ, мутавозе, мулоимлиги, адл-инсофи туфайли номи тарихда ҳурмат билан ёд этилган Умар ибн Абдулазиз бир кун тор бир йўлда кетар эди. Билмасдан бир одамнинг оёғини босиб олди. У одам газабланиб:

— Қандай одамсан, кўзинга қараб юрсанг бўлмай-дими? Ёки кўрмисан, оёғимни босиб олдинг? — деб халифага эътироз қилди ва озғига келган турли ҳақоратомуз сўзларни сўзлади. Халифа унга бош эгиб:

— Азиз биродар, кўзим кўр эмас, билмасдан оёғингни босиб олдим, менинг бу хатоимни кечир, — деб у одамдан узор сўради.

Шу вақт амалдорлардан бири келиб қолиб, халифага таъзим бажо келтирди. У киши оёғини босиб олган халифа Умар ибн Абдулазиз эканини билиб жуда қўрқди, «ҳақоратомуз сўзларини учун халифа албатта менга жазо беради», деб тол барги каби титраб-қақшади, дарҳол туриб халифадан кечирим сўради.

Халифа қулиб унинг елкасига қоқиб:

— Қўрқма, биродар, сенга ҳеч бир жазо бермайман. Хато аввал мендан ўтди, билмасдан оёғингни босиб олдим, сўнгра хато сендан ўтди, газабинга қидолай менинг ҳақимда нолойиқ сўзлар айтдинг. Кел, энди дўст бўлайлик, мен сенинг айбингни кечирдим, сен ҳам менинг айбимни кечир, — деди ва кишига инъом-эҳсон айлаб унинг кўнглини кўтарди.

БАЙТ:

Хирад аҳли оғир сўз бирла қилмас

Мулоим сўз билан бегоналарни ошно айлар.

● Она ўз ҳаётининг махсули — боласи учун доим кескис гамхўрлик, фидокорлик кўрсатади. Бу фидокорлик шафқат намунаси, муҳаббатнинг буюк тимсолидир.

БАЙТ:

Жон қулоғинг бирла тингла, моҳи

Бахту икболинг самосида нурафшондир онанг!

Қилча айрилма онангнинг хизматидан, эй ўғил,

Ол дуосини унинг, дардинга дармондир онанг.



**Мунаввар кўшиқлар ижрочиси**

Жон ўзбегим элим,  
Сенсан жону дилим.  
Бахтим сенсан, аҳдим сенсан  
Сенсан азиз элим.

кимга хафа қилдириб қўймайдиганлар хилидан эдим. Айниқса дугоналарим учун ҳам мен талашиб-тортишардим...

— Ҳозир ҳам ушбу хислатлар саклини қолганми?

— Ҳа, десам ҳам бўлади. Характеримда қайсарлик, дангаллик бўлгани учунми ёшлиқдан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилардим. Ҳатто мактабни битираётганимда ҳам шу фикрда эдим. Лекин бир сабаб бўлдию санъат йўлидан кетдим. Ҳозиргача туш кўраётганга ўхшайман, ширин туш.

— Бирок, санъат йўли жуда машаққатли, айниқса аёл санъаткорларга нисбатан бошқача кўз билан қарашлар мавжуд. Тўй-ҳашамларда бўласиз...

— Нимани назарда тутаяётганингни тушундим. Аввало инсон ўзига ишоничи керак. Ўзини тутта билиши, керак бўлса ўзини ҳимоя қила олиши зарур. Мен ўзим енгилтақ аёлларни ёқтирамайман. Ҳаётда жуда жиддийман. Санъат йўлини танлаганимдан ҳеч қачон афсусланмайман. Илк бор саҳнага чиқа бошлаганимда, қани энди биронта кўшиғимни халқим севиб тингласа деб орзу қилсам, энди

гун «Озода опа, ёрдам бериб юборинг, кўшиқчи бўлмоқчиман» деб қолишди. Қўлимдан келганча яхшилик қилгим келади. Беминнат, таъмасиз. Лекин қизиқ, одамлар бор эканки, сен бир қўлласанг яна, яна келаверишди. Бу сенинг мажбуриятинг дегандай... Майли, яхшиликка интилиб яшаганга нима етсин.

— Танқидга муносабатингиз?

— Яхши, тўғри қабул қила оламан, қачонки танқид самимий ва беғараз бўлса. Лекин ҳадеб танқид қилавермаслик керак. Ичи қоралик билан, танқид баҳонасида ҳадеб санъаткорни турткилаш эса кишини руҳан чўктиради, ижода бўлган меҳрини сўндиради. Вақтида мактовни ҳам билиш керак, у кишига заъв беради, жонлантиради, маънавий озиқ сифатида хизмат қилади.

— Илк иждоингиз махсули бўлмиш «Бегим», «Муҳаббат қайдасан»?

— «Бегим», «Муҳаббат қайдасан» кўшиқларидан кейинги «Асрағил», «Ўзбекистон», «Жонимдасан», «Кетма», «Бор, боравер ўшанга», «Онажон», «Сен бўлмасанг», «Энди, мен кетаман» каби кўшиқларингиз сизни эл севган хонанда даражасига кўтарди...

**САНЪАТ**


**Иждоий кеча**

Таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммаднинг қаламига мансуб дилбар шеър ва кўшиқлар, хангомаю латифалар, саҳна асарларини эшитмаган, кўрмаган киши бўлмаса керак.

Айниқса драматургининг «Хотинлар «гапи»дан чиққан хангома» саҳна асари нафақат шаҳримизда, балки кўпгина вилоятлардаги театр саҳналарида кўп йиллардан буён намойиш қилиниб, муҳлислар эътиборини қозониб келмоқда. Кунги кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Қарияларни кадрлаш йили муносабати билан таниқли шоир ва драматург Ҳайдар Муҳаммад билан иждоий учрашув ҳамда драматургининг «Хотинлар «гапи»дан чиққан хангома» икки пардали ҳазил спектаклининг саҳнага чиққанига ўн йил тўлиши муносабати билан мароқли кеча ўтказилди.

Талбирда адабнинг кўп йиллардан буён нафақат шеърят, балки драматургиямиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани, Ҳайдар Муҳаммаднинг ижоди ва фаолияти хусусида унинг дўстлари, ҳамкасблари фикр билан сўзлашдилар. Сўнг мухташам қонашонимиз саҳнасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марат Азимов саҳналаштирган «Хотинлар «гапи»дан чиққан хангома» спектакли 850-марта намойиш қилинди. Спектакл театр илосманлари томонидан бу гал ҳам илқ кутиб олинди.

(Ўз муҳбиримиз)



Келажакимиз ворислари.

**ФАЛАКИЁТ СИРЛАРИ**

**ҲАЁТ ВА УМИД ЮЛДУЗИ**

Тун чойшабини теварак-атрофга ёйғач, фалак гумбазида беҳисоб ёриткичлар ўз жамолини кўз-кўз этиб намойиш қила бошлайди. Уларнинг орасида кўна замонларда яшаган аждодларимизнинг ҳаёт ва умид юлдузи алоҳида ажралиб туради. Бизнинг заминда бу юлдузди, милоддан аввалги бешинчи минг йилликда, хали кўплаб худудларда одамод ўйкуда бўлган ва маърифат чироклари ёқилмаган бир пайтда, бобокалонларимиз кузатганлар. Бугун уларнинг авлодлари бўлган биз айна жойда туриб бу юлдузга нигоҳ ташлаб завқланамиз. Ваҳоланки, орадан етти минг йил ўтган бўлса-да, бу олис юлдуз нури асрлар оша ҳамон чарақлаб, бизга нималардандир гоёйбона ҳикоя қилаётгандек туюлади.

Қадимда аждодларимиз ҳаётига очлик, ботоблик ва ўлим доимий ҳавф солиб турган. Улар учун яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат, ҳаёт ва ўлим муносабатлари нажот омиллар бўлган. Ўтмишда одамзоднинг теварак атрофидаги борлиқ ҳам, худди инсон каби жонли деб тасаввур этилган. Албатта, бунда маълум бир ўйғунлик мавжуд бўлган. Масалан, тун-кун алмашувида — бутун борлиқ оқшомда қуёш ботиши билан уйкуга кетган ва тонгда Қуёш нурали билан уйғонган. Ахир оқил инсон ҳам тунда хордиқ олиб, саҳарда иш бошлайди. Қуёш нури жўшқин ҳаётга иштиёқ уйғотади, тун зулмати сокинлик оламига ишора қилади. Жамики жонзод ҳаёт кечириб, сўнг таназзулга юз тутганидек, табиат ҳам эрта кўкламда жамол очиб, ёз давомида яйраб-яшнаб, қузда сарғайиб, кишида ўлимтик бир ҳолатга дучор бўлади. Демак, одамзод ҳаётида таваллуд ва ўлим ходисаси рўй берганидек, табиат ҳам яшнаб яшайди, ўлади ва қайта тирилади. Қиш изғиринида, изтиробли даврларда ҳаёт-мамот учун курашган инсон толиқиб, исомик даврларни кўйсаб яшаган. У ёз тугаб, киши уйкусига кетган табиатнинг уйғоничини, инкирозга юз тутиб кўз юмган олиқ мавсум қайта тирилишини сабр-сизилик билан кутиб яшаган.